


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия магистратура
мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент молия институти;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» 08 даги 4/8- сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 230 000 - Иқтисод таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия</i> магистратура мутахассислигининг умумий таснифи	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия</i> магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи	4
1.2.1.	<i>5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2.	<i>5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3.	<i>5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	<i>5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия</i> мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	<i>5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия</i> таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	9
2.1.	Умумий компетенциялар.....	9
2.2.	Касбий компетенциялар.....	9
2.3.	Касбий квалификациялар.....	10
3.	<i>5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия</i> магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	10
3.1.	<i>5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия</i> магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар.....	10
3.2.	<i>5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия</i> магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми.....	11
	Библиографик маълумотлар.....	11

1. 5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Фан дастурларининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, магистрлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган талабага «магистр» даражаси ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) - тегишли мутахассислик бўйича квалификацияси киритилган «диплом» иловаси билан берилади. Иқтисод таълим соҳасининг магистратура таълим мутахассисликларининг битирувчилари таянч докторантура, докторантура ёки мустақил изланувчилик институтларида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби *5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия магистратура* мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган баклаврият битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия – иқтисодиёт соҳасидаги мутахассислик бўлиб, барча таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, марказлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқиқот фаолиятини юритиш, давлат молиясини бошқариш, молиявий муносабатларни тартибга солиш, бюджет-солиқ сиёсати, маҳаллий бюджетларни бошқарувнинг амал қилиш механизмининг самарали ташкил этиш, молия бошқармалари фаолиятини тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимидаги муассаса ва ташкилотларнинг бюджет сметаларини тузишда иштирок этиш. халқаро даражадаги молия ташкилотлари: ХВФ,

Жаҳон банки, ЕТТБ, ОТБ ва бошқа халқаро молия институтларининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари; Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ижро органлари, давлат ташкилотлари, тижорат, нотижорат, молия-кредит ташкилотларида, қўшма корхоналар, суғурта ташкилотларида, халқаро молияга оид комплекс масалаларни ҳал этишда, шунингдек давлат молияси ва халқаро молияни ривожлантиришда давлат молияси ва халқаро молиянинг самарадорлигини таъминлаш, иқтиқболлини белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари;
- давлат молиявий ресурсларини бошқариш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар;
- молиявий фаолият билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари;
- молиявий назоратни олиб боровчи органлар;
- молиявий назоратни амалга оширувчи аудиторлик ташкилотлари;
- суғурта ва лизинг компаниялари;
- инвестиция фаолияти билан шуғулланувчи ташкилот, муассасалар;
- бюджет ташкилотлари;
- давлат мақсадли жамғармалари;
- Давлат божхона кўмитаси ва унинг бўлинмалари;
- Давлат солиқ кўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унинг ҳудудий бўлинмалари;
- тижорат банклари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари;
- пул муомаласи фаолиятини ташкил этувчи соҳа ва тармоқлар;
- касса, ҳисоб-китоб фаолияти билан шуғулланувчи бўлимлар;
- молия бозорини тартибга солувчи давлат органлари;
- молия бозори инфратузилмасига мансуб профессионал ташкилот, муассасалар;
- молия бозорининг профессионал иштирокчиси сифатида консалтинг фирмалари;
- хўжалик юритувчи субъектлар;
- корпорация, қўшма корхоналар ва акциядорлик жамиятлари;
- валюта биржалари, халқаро компаниялар, халқаро молия институтлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари;
- халқаро молиявий операциялар билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар.

1.2.3. 5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- молиявий-иқтисодий фаолият;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолияти;
- ҳуқуқ-тартибот фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

1.2.4. 5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;

- илмий мақолалар, маърузалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;

- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;

- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;

- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;

- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукамал ўзлаштириш;

- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Молиявий-иқтисодий ҳамда ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:

- маҳаллий бошқарувнинг ваколатли органлари томонидан ҳудудлар молиясини бошқариш, тегишли ҳудудларда бюджетларни шакллантириш, бюджет - солиқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларини, меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларини билиш;

- Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимидаги муассаса ва ташкилотларнинг бюджет сметаларини, молиявий режаларини, йиғма молиявий балансларини, бюджетларнинг асосий иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш;

келгусида молиявий (бюджет) ресурслар(и)нинг ҳажми ва уларни шаклланиш манбаларини аниқлаш бўйича ҳисоб-китобларни юритиш;

- Ўзбекистон Республикасида молиявий ресурслар баланси, (йиғма молиявий баланси) прогнозини тузиш бўйича ҳисоб - китобларни амалга оширишда қатнашиш;

- турли даражадаги бюджетлар лойиҳасини тузиш бўйича молия органлари фаолиятида қатнашиш;

- ҳисоб-китобларни таҳлил қилиш ва ўз ечимини асослаш, молиявий ва иқтисодий маълумотларни қайта ишлаш учун турли воситалардан фойдаланиш;

- касбий фаолият соҳаси бўйича қўйилган масалаларни ҳал қилиш учун зарур статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;

- молиявий назорат натижасида зарурий статистик маълумотларни тўплаш, уларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва талаб этилган таҳлилий ҳисобот ёки умумлаштирилган қисқача маълумот шаклида тақдим этиш;

- статистик ва ҳисоб-таҳлилий маълумотларнинг манбаларини ҳамда истеъмолчиларнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;

- тадқиқотлар учун кўрсаткичлар тизимини танлаш ва уларнинг ўзаро алоқасини моделлаштириш;
- тадқиқот ва назорат усулларини ҳамда техник воситаларини танлаш;
- бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ахборотларни йиғишни ташкил этишнинг ички ахборот тизимини яратиш;
- бюджет ҳисобини юритиш, бюджет ҳисоботини тузиш ва уни тақдим этиш, жорий молия йили учун тузилган бюджет сметаларини, Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджет тизимидаги фондлари ва давлатнинг бюджетдан ташқари фондларини таҳлил қилиш;
- бюджет ташкилотларида ва давлатнинг бюджетдан ташқари фондларида молиявий менежментни, солиқ ва бюджет тизимининг амалдаги фаолиятини такомиллаштириш, банк секторини, сугурта ва молия бозорини ривожлантириш, корпорациялар молиявий фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун молиявий ва иқтисодий ахборотларни таҳлил қилиш;
- бюджет-солиқ соҳасида, шунингдек, корхоналарда рискларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- таҳлилий ҳисоботларни тайёрлаш, олиб борилган тадқиқот натижаларини изоҳлаш ва шарҳлаш;
- халқаро молия ва кредит ташкилотларининг амалий фаолияти натижаларини жамлаш ва ўрганиш;
- молиявий барқарорликни таъминлаш ва уни модернизациялаш учун тегишли миллий ва халқаро маълумотларни жамлаш, уларни қайта ишлаш, гуруҳлаш ва таҳлил қилиш натижасида тегишли хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш;
- молиявий-иқтисодий инкирозларга қарши чораларни ишлаб чиқиш борасида олиб борилган тадқиқот натижаларини шарҳлаш;
- давлат, маҳаллий ҳукумат ва хўжалик юритувчи субъектларда халқаро молия муносабатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;
- халқаро молиянинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини жаҳон андозасига олиб чиқиш;
- тўлов балансининг структурасини баҳолаш;
- жорий валюта операциялари ва капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларини амалга ошириш;
- халқаро валюта-кредит муносабатларини тартибга солиш;
- халқаро корпорацияларда пул оқимлари ҳаракатининг таҳлили усулларини тадқиқ этиш, молиявий рискларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- халқаро молия институтлари ва халқаро биржаларни иқтисодий ахборотлари билан танишиш ҳамда уларни таҳлил қилиш;
- халқаро кредит, лизинг ва хорижий инвестициялар билан боғлиқ операцияларни юритиш;
- халқаро бюджет амалиёти мезонлари асосида маҳаллий бюджетларни бошқариш;
- халқаро кредит линияларининг фаолиятини ташкил этиш асосларини билиши ва улардан фойдалана олиш;
- тақдим этилган халқаро лойиҳаларнинг молиявий самарадорлигини баҳолаш, уларни амалга оширишдан олинган молиявий-иқтисодий натижаларни таҳлил қилиш;
- халқаро савдо айланмаси натижаларини молиявий таҳлил қилиш;
- молиявий барқарорликни таъминлаш ва уни модернизациялаш учун тегишли миллий ва халқаро маълумотларни жамлаш, уларни қайта ишлаш, гуруҳлаш ва таҳлил қилиш натижасида тегишли хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш.

Ҳуқуқ-тартибот фаолиятида:

- давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда корхоналарида молиявий муносабатларнинг ўрнатилган тартибда қонуний амалга оширилишини, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш;

- бюджет-солиқ сиёсатининг ўзаро вобасталигини таъминлашнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини ишлаб чиқиш;

- солиқ юкларини оптималлаштиришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш;

- жамият, давлат ва шахс ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида халқаро молиявий операцияларнинг ўрнатилган тартибда қонуний амалга оширилишини, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, турли мулк шаклларини халқаро даражада ҳимоя қилиш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш;

- халқаро молиявий вазиятларга таҳдид солувчи омилларни, халқаро молиявий операциялардаги рискларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- халқаро молиянинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини жаҳон андозасига олиб чиқиш

- иқтисодиёт, молия ва бюджет соҳасидаги жиноятлар ва қонунбузарликларни профилактика қилиш, огоҳлантириш, аниқлаш ва очиш.

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- давлат молиясини бошқариш ва тартибга солишда иштирок этиш;

- иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий инструментлари ва услубларидан фойдаланиш;

- давлат корхоналари молиявий ресурсларини самарали бошқариш;

- бюджет лойиҳасини тузиш, тасдиқлаш, ижро этиш, ижроси юзасидан ҳисобот тайёрлаш босқичларида иштирок этиш;

- молиявий ресурсларни бошқариш ва режалаштиришда, лойиҳаларни бошқаришда бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш;

- бюджет-солиқ сиёсатининг ўзаро вобасталигини таъминлаш;

- бюджет даромадларини ва харажатларининг оптималлигини таъминлаш;

- бюджет даромадларини оширишнинг самарали йўллари ишлаб чиқиш;

- бюджет харажатларининг натижадорлигини таъминлаш;

- бюджетдан ташқари жамғармалар даромад ва харажатларини бошқариш;

- давлат молияси, тижорат банклари, суғурта ва лизинг компанияларини бошқаришда иштирок этиш;

- солиқ юкларини оптималлаштириш ва замонавий солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш;

- халқаро молиявий стратегияни ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш, халқаро молиявий операцияларни самарали бошқариш ;

- хўжалик юритувчи субъект халқаро молиявий фаолиятини режалаштириш, ҳисоб-китоб ва таҳлил қилиш бўйича услубий кўрсатмалар, ҳуқуқий ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш;

- режа, ҳисоб-китоб ҳужжатларини юритиш, янги техника ва технологияларни жорий этиш, халқаро молия соҳасида рационализаторлик таклифлар ва ихтиролар бўйича иқтисодий самарадорликни аниқлаш;

- қабул қилинадиган қарорларни халқаро молиявий самарадорлик мезонлари асосида уларни хавф-хатар ва оқибатларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорлари вариантларини ишлаб чиқишда ҳамда танлаб олишни асослашда иштирок этиш;

- шартномаларни тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўплаш, тезкор ва статистик ҳисоботни олиб боришни ташкил этиш, ҳисоботларни тузиш тартибларини аниқлаш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарнинг товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳамда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича халқаро молиявий операцияларини режалаштириш ва амалга ошириш;

- халқаро молиявий операцияларни ўтказиш бўйича лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, бажарилаётган мазкур турдаги операцияларнинг назарий ва

амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.

2. 5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

- интернет тармогидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;

- давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда корхоналарида молиявий муносабатларни амалга ошириш тартиб-тамоийилларини билиши;

- давлатнинг ички ва ташқи қарзи муносабатларида молиявий рискларни бошқаришнинг замонавий усуллари ва йўналишларини билиши;

- давлат молиявий ресурсларини бошқариш ва режалаштиришда, лойиҳаларни бошқаришда бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;

- иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий инструментлари ва услубларидан фойдалана олиши;

- бюджет-солиқ сиёсатининг ўзаро вобасталигини таъминлаш кўникмаларига эга бўлиш;

- бюджет даромадларини ва харажатдарининг оптималлигини таъминлаш тартиб-тамойилларини билиши;
- бюджет даромадларини оширишнинг самараи йўлларини ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиши;
- бюджет харажатларининг натижадорлигини таъминлаш тамойилларини билиши;
- солиқ юкмасини тақсимлашнинг замонавий назарияларини билиши ва уларни бюджет-солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши;
- бюджет-солиқ сиёсатининг замонавий муаммоларини ва уларни ҳал этиш йўлларини билиши;
- тижорат банклари, суғурта ҳамда лизинг компанияларида молияни самарали бошқариш тамойилларини билиши;
- халқаро молия тизимини ва ундаги операцияларни амалга ошириш тартиб-тамойилларини билиши;
- халқаро молия муносабатларида молиявий рискларни бошқаришнинг замонавий усуллари ва йўналишларини тадқиқ этиши;
- халқаро молия институтлари, халқаро корпорациялар фаолиятини таҳлил этиши;
- давлат молияси ва халқаро молиявий марказларни ривожланишини таҳлил қилиши ва халқаро тажрибаларни миллий иқтисодиётга тадбиқи юзасидан амалий кўникмаларга эга бўлиши;
- халқаро молия бозоридаги операцияларни таҳлил қилиши ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаши;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича молиявий, иқтисодий, стратегик режаларни ишлаб чиқиш, халқаро молия соҳасида ечилаётган илмий муаммоларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишни билиш.

2.3. Касбий квалификациялар:

Иқтисодчи, молиячи, молиявий менежер, молиявий маслаҳатчи, молия инспектори, молия, банк ташкилотларида мутахассис, давлат харидлари бўйича мутахассис, корпоратив молия бўйича мутахассис, молия бўлими мудир, ғазначилик ва пенсия бўлими инспектори, молиявий назоратни амалга оширувчи аудитор, халқаро валюта ва кредит оператори, валюта биржаси трейдери, брокери ва дилери, халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширувчи, банк операциялари бўйича мутахассис, халқаро кредит инспектори, хорижий инвестициялар молиячиси, халқаро молия бўйича иқтисодчи, ташқи савдода молиячи, халқаро лойиҳаларни молиялаштириш, валюта захиралари ва бойликлари бўйича ғазначи, иқтисодий фанлар бўйича педагог квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

3. 5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

3.1. 5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар

Магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, таътиллار, семестрлар бўйича ўтиладиган “Умумметодологик фанлар”, “Мутахассислик фанлари”,

машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

3.2. 5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкласининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 30 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ўқишнинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми куйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун
Назарий таълим ва илмий фаолият	87%
<i>Шу жумладан, мустақил таълим</i>	-
Аттестациялар	13%

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), молия, молиявий сиёсат, давлат молиясини бошқариш, молия тизими, молиявий назорат, корхоналар молияси, давлат бюджети, бюджет даромадлари, бюджет харажатлари, бюджет жараёни, бюджет тизими, бюджетдан ташқари давлат жамғармалари, суғурта, ижтимоий таъминот, давлат кредити, молия бозори, инвестицияларни молиялаштириш, уй хўжаликлари молияси, молия генезиси, солиқ преференциялари, бюджет-солиқ сиёсати, бюджет дотацияси, бюджет субвенцияси, бюджет профицити, бюджет дефицити, бюджет трансфери, маҳаллий молия, чет мамлакатлар молияси, давлат қарзларини бошқариш, молиявий ресурсларни бошқариш, халқаро молия институтлари, халқаро молия бозорлари, валюта курси, валюта сиёсати, тўлов баланси, халқаро иқтисодий интеграция, халқаро капитал миграцияси, халқаро савдо ва ҳисоб-китоб операциялари, халқаро валюта-кредит муносабатлари, молиявий хавфсизлик, молиявий рисклар ва уларни самарали бошқариш, муддатли валюта операциялари, жаҳон валюта тизими, валюта конвертацияси, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, илмий-тадқиқотларни ташкил қилиш, дидактика, назария.

Ишлаб чикувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:



М.Ў.

Тошкент молия институти

Ректор в.в.б. С. Мехмонов

2020 йил « 22 » 07

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази



Директор З. Хақимов

2020 йил « »

М.Ў.

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети



Ректор К. Шарипов

2020 йил « »

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирлиги

Вазир ўринбосари Ж. Аброев

2020 йил « »

М.Ў.



“Микрокредитбанк” АТБ Бошқарув
Раисининг биринчи ўринбосари



Т. Атамуродов

2020 йил « »

М.Ў.

Тошкент молия институтининг 5A230601 – “Давлат молияси ва халқаро молия”
магистратура мутахассислиги малака талабини ишлаб чикувчилар ва кадрлар
истеъмолчилари ўртасида

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

“ ” _____ 2020 й.

Биз, қуйида имзо чекувчилар – Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари Ж.И.Абруев, “Микрокредитбанк” АТБ Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари Т.Т.Атамуродов ва Тошкент молия институти ректори в.в.б. С.Мехмонов, мазкур келишув далолатномасини қуйидагилар ҳақида туздик:

1. 5A230601 – “Давлат молияси ва халқаро молия” магистратура мутахассислиги малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, “Микрокредитбанк” АТБ ҳамда Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган.

2. Юқорида номи қайд этилган малака талабларини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасалари – Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, “Микрокредитбанк” АТБ мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этганлар.

3. 5A230601 – “Давлат молияси ва халқаро молия” магистратура мутахассислиги малака талаблари кадрлар истеъмолчиси – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, “Микрокредитбанк” АТБ мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Бу таклифлар малака талабларини мукамаллаштиришда инobatга олинди.

4. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур малака талабини ўқув жараёнларига татбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазири ўринбосари
Ходимлар
билан ишдаш
Х.И. Абруев

“Микрокредитбанк” АТБ
Бошқарув Раисининг биринчи
ўринбосари

Т.Т. Атамуродов

Тошкент молия институти
ректори в.в.б.

С.М. Мехмонов



Тошкент молия институтида тайёрланаётган
5A230601 - Давлат молияси ва халқаро молия магистратура мутахассислиги учун
янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг битирувчилар
касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

Т/р	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)	Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри 230601	Давлат молияси ва халқаро молия
		<p>Битирувчи қуйдаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши; - хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятга оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш; - янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш; - ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши; - ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши; - интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши; - ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши. - илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш; - педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш; - таълим сифати ва самардорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш; - илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш

учун лойиха тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойихаларда иштирок этиш учун лойиха тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда корхоналарида молиявий муносабатларни амалга ошириш тартиб-тамоийилларини билиши;
- давлатнинг ички ва ташқи қарзи муносабатларида молиявий рискларни бошқаришнинг замонавий усуллари ва йўналишларини билиши;
- давлат молиявий ресурсларини бошқариш ва режалаштиришда, лойихаларни бошқаришда бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;
- иктисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий инструментлари ва услубларидан фойдалана олиши;
- бюджет-солик сиёсатининг ўзаро вобасталигини таъминлаш кўникмаларига эга бўлиш;
- бюджет даромадларини ва харажатларининг оптималлигини таъминлаш тартиб-тамоийилларини билиши;
- бюджет даромадларини оширишнинг самараи йўлларини ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиши;
- бюджет харажатларининг натижалорлигини таъминлаш тамойилларини билиши;
- солиқ юкламасини тақсимлашнинг замонавий назарияларини билиши ва уларни бюджет-солик сиёсатини ишлаб чиқишда татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши;
- бюджет-солик сиёсатининг замонавий муаммоларини ва уларни ҳал этиш йўлларини билиши;
- тижорат банклари, сугурта ҳамда лизинг компанияларида молияни самарали бошқариш тамойилларини билиши;
- халқаро молия тизимини ва ундаги операцияларни амалга ошириш тартиб-тамоийилларини билиши;
- халқаро молия муносабатларида молиявий рискларни бошқаришнинг замонавий усуллари ва йўналишларини тадқиқ этиши;
- халқаро молия институтлари, халқаро корпорациялар фаолиятини таҳлил этиши;
- давлат молияси ва халқаро молиявий марказларни ривожланишини таҳлил қилиши ва халқаро тажрибаларни миллий иктисодиётга тадбиқи юзасидан амалий кўникмаларга эга бўлиши;
- халқаро молия бозоридаги операцияларни таҳлил қилиши ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаши;
- бажарилаётган халқаро молиявий операциялар юзасидан назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича хавфсиз математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши;
- халқаро лойихаларнинг молиявий самарадорлигини баҳолаш, тармоқлар ва соҳалар бўйича молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш кўникмаларига эга бўлиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича халқаро молиявий хавфсизликни таъминлаш, халқаро молиявий операциялардаги рискларни бартараф этиш, ушбу операциялар самарадорлигини ошириш, уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказишни ва таҳлилий ишларни бажаришни билиши;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича молиявий, иктисодий, стратегик режаларни ишлаб чиқиш, халқаро

Молия соҳасида ечиладиган илмий муаммоларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга таъбиқ этишни билиш.

Изоҳ. 1. Жадвал вазирлик (идора)нинг ташкилот(корхона)лари учун кадр тайёрланаётган ҳар бир бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) бўйича битирувчининг билими, кўникмаси ва малакасига қўйиладиган аниқ талаблар асосида тўлдириш тавсия этилади ва Малака талабларини ишлаб чиқиш учун асос сифатида қабул қилинади.

2. Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари классификатори Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон қарори билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари

Ж.И.Абруев

(Ф.И.О.)



(ИМЗО)

“Микрокредитбанк” АТБ

Бошқарув Рансининг биринси ўринбосари

Т.Т.Атамуродов

(Ф.И.О.)



(ИМЗО)

**5A230601 – “Давлат молияси ва халқаро молия” магистратура
мутахассислигининг малака талаби ишлаб чиқилишига**

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

5A230601 – “Давлат молияси ва халқаро молия” магистратура мутахассислиги малака талабини ишлаб чиқишда қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланилди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшируғи;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 20 июндаги “2020-2021 ўқув йилидан таълим жараёнини кредит-модуль тизимига ўтиши тўғрисида”ги 357-сонли буйруғи.

Малака талабини ишлаб чиқишда магистратура мутахассислиги битирувчиларига кадрлар истеъмолчилари томонидан кўрсатилган малака талаблари ҳисобга олинган.

Ушбу малака талаб “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифаларининг, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган ҳамда Президент, Вазирлар Маҳкамасининг қарор-фармонларини мукамал амалга оширилишига қаратилган.

Малака талаби дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний кадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаби асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаби халқаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосланади.

Ўқув юкмасининг оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди.


Таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолияти сифатини баҳолаш мезонлари ва тартибларининг белгиланган меъерий-қоидаларга мослигига эришилди.

Малака талабнинг қулайлиги - унинг бажарилишини назорат қилиш, меъёр ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, мутахассисликнинг малака талабини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди

5A230601 – “Давлат молияси ва халқаро молия” магистратура мутахассислигига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалий фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди.

Малака талабини ишлаб чиқишда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашуви шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштирилди ҳамда уларни узвийлиги таъминланди.

Тошкент молия институти
“Давлатий молия”
кафедраси мудири



и.ф.д., проф. Т. С. Маликов